



ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА МАҲКУМЛАРНИ ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ

Ҳимматов Исмоил Ибрагимович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
кафедраси доценти, полковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20538446>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil
Ma'qullandi: 28-may 2026 yil
Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

KEYWORDS

ижтимоий мослаштириш,
реабилитация, халқаро
тажриба Швейцария, Буюк
Британия.

ABSTRACT

муаллиф мазкур мақолада жазони ижро этиш муассасаларида ижтимоий мослаштириш фаолиятини ташкил этиш, ижтимоий мослаштиришга оид халқаро тажриба, ижтимоий мослаштириш тушунчаси ва уни амалга оширишда асосий вазифалари ёритиб берган.

Жиноятларнинг такрорланишининг олдини олишга ёрдам берадиган муҳим шартлардан бири бу маҳкумларни озодликка тайёрлашда уларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришдир. Маҳкумни жазони ижро этиш муассасасида қайта ижтимоийлаштириш жараёнининг самарадорлиги, шунингдек, озод қилинганидан кейин ижтимоий мослашувнинг муваффақияти унинг қандай амалга оширилишига боғлиқдир.

Ижтимоий мослаштириш маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасида бўлган биринчи кунидан бошлаб йўлга қўйилади. Унда қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабати шакллانган¹ шахс сифатида жамиятга қайтишига ёрдам бериш жазони ижро этиш муассасалари фаолиятининг ижтимоий йўналишини тавсифловчи муҳим кўрсаткичдир.

Шунингдек ушбу жараён жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумнинг жазони ўташ муддати тугашига узоғи билан уч ой қолганда уни озодликка чиқаришга тайёрлаш, меҳнат ва турмушда ўрнашишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, унинг муассасадан озод бўлгандан кейинги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш мақсадида маҳкум билан тарбиявий иш олиб бориш кўринишида якуний босқичда давом эттирилади.

Ушбу йўналишларни тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улардан 2018 йил 17 июль кунигаги Вазирлар Маҳкамасининг "Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 543-сон қарори озодликдан маҳрум этиш жойларидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси (электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 09.01.2024 <https://lex.uz/uz/docs/163629>).

озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда асосий йўналиш ва вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этди.

Реабилитация сўзи латинча “rehabilitatio” сўзидан олинган бўлиб, “тиклаш” деган маънони англатади. Реабилитация тушунчаси юридик соҳадан ташқари тиббиёт ва ижтимоий соҳада ҳам қўлланилади².

Маҳкумга нисбатан “ижтимоий реабилитация қилиш” тушунчаси ишлатилганда, бевосита уни ахлоқан тузатиш ёки судланганлик ҳолатини олиб ташлаш сингари чораларда намоён бўлади. “Ижтимоий мослаштириш” эса бевосита жазони ижро этиш муассасасидан жазо ўтаб қайтган шахсни ўқишга ёки ишга жойлаштириш, маълум муддатга уй-жой билан таъминлаш, ҳокимиятлар ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан моддий, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳуқуқий ёрдам бериш каби ҳолатларда ўз ифодасини топади³.

Маҳкумни “қайта ижтимоийлаштириш” атамаси социология, педагогика, психология, шунингдек, ҳуқуқшуносликда унинг кўп компонентли мазмунини белгилайдиган жазо соҳасига нисбатан кенг қўлланиладиган⁴, “нуқсонлар” ва ижтимоий-маданий муҳитнинг ўзгариши натижасида шахснинг ижтимоий муҳитга “иккиламчи” кириш жараёнини белгилаш учун ишлатиладиган тушунчалар ҳисобланади⁵.

Маҳкумни қайта ижтимоийлаштириш остидаги атамаларнинг катта изоҳли социологик луғати, *биринчидан*, шахснинг ҳаётга бўлган муносабатлари, мақсадлари, қоидалари ва ҳаёт қадриятларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда содир бўладиган иккиламчи мослаштириш; *иккинчидан*, девиант шахснинг кескин конфликтларсиз ҳаётга мослашиш жараёни; *учинчидан*, нотўғри ўрганилган ёки тубдан бошқача ижтимоий шароитларга ўтиш муносабати билан янги қадриятлар, роллар, янги кўникмаларини ўзлаштириш жараёни; *тўртинчидан*, янги меъёрлар, қадриятлар, дунёқараш ва ҳуқ-атвор шакллари ўзлаштириш жараёни ва бошқалар тушунилади.

Маҳкумларнинг ижтимоий мослашуви жамиятда мустақил ҳаёт кечериш қобилияти ва тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган психологик, педагогик, иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуига асосланган узлуксиз узоқ муддатли жараён тушунилиши керак. Ижтимоий мослашишга қаратилган ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар маҳкумнинг жамиятнинг нормал аъзоси сифатида тикланишига ёрдам беради.

Жиноят-ижроия қонунчилиги вақт ва шарт-шароитга мувофиқ доим ижобий ўзгаришларни, жумладан ижтимоий мослашувга қаратилган йўналишда маҳкумлар билан ишлаш, мазкур тизимни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш каби ислоҳ

² Эшқобилов С. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларининг аҳамияти //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 12/5. – С. 97-105.

³ Турсунов А.С., Фазилов И.Ю., Хўжакулов С.Б. Профилактика правонарушений: Учебник (по направлению Общественногуманитарныхдисциплин-4 для академических лицеев МВД РУз) / Ответственный редактор Б.А.Матлюбов. –Т.: Академия МВД РУз, 2018–С.190.

⁴ Южанин В. Е. Проблемы социальной адаптации осужденных при подготовке их к освобождению из исправительных учреждений //Пенитенциарная наука. – 2015. – №. 1 (29). – С. 15-21.

⁵ Багреева Е. Г. Субкультура осужденных и их ресоциализация //М: ВНИИ НВД РФ. – 2001.

қилинишини талаб этади. Қонунчиликка ўзгартиришлар киритишда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва уларни ҳисобга олиш керак.

Масалан, Швейцарияда жазони ижро этиш муассаси ходимларининг асосий вазифаси маҳкумни ижтимоий мослашув чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат бўлиб, ундан кўзланган мақсад маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта жиноятларнинг содир этилишини олдини олишдир⁶. Швейцарияда ижтимоий мослашув жараёни маҳкумнинг қамоқхонага қабул қилиниши билан бошланади, ҳар бир маҳкум учун индивидуал дастур ишлаб чиқилади.

Швейцария давлатининг жиноят қонунчилигининг тузилиши ҳам ижтимоий мослаштириш ҳарактердаги сифатга эга бўлиб, жазони ижро этиш муассасидан озод этилган шахслар устидан назоратни ташкил этиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни тартибга солишга қаратилган.

Хусусан, ушбу давлатнинг Жиноят кодекси 47-моддасида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазони ўтаётган маҳкумларни назорат ва ижтимоий ҳимоя қилиш уларнинг нормал турмуш тарзига қайтишига ёрдам бериш лозимлиги, ижтимоий ҳимоя ва ҳомийлик органлари уй-жой ва иш топишда ёрдам беришлиги учун жавобгарлиги қайд қилинган. Шунингдек, алкоголизм ёки гиёҳвандлик, руҳий касалликка чалинган ва такроран жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларга эса махсус ёрдам кўрсатилишига, ўтказилган ижтимоий мослаштириш жараёнидан кейин қайта ижтимоий хавфли қилмиш содир этмаслигига катта эътибор қаратилиши белгиланган⁷.

Ижтимоий мослашувнинг самарали усулларида бири ижтимоий соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг жазони ижро этиш муассасаларига мунтазам ташриф буюриши, маҳкумларни қизиқтирган масалалар бўйича тизимли маслаҳатлашувлар ўтказилиши учун шаҳар ижтимоий хизматлари (бандлик хизматлари, пенсиялар, ижтимоий мослаштириш) билан доимий алоқада бўлишдир.

Швейцариядаги маҳкумлар жазони ижро этиш муассасида кундузи ишлаб чиқаришда ишлайди ва фақат кечаси камераларда сақланади, бўш вақтларида улар таълим олгани мактабларга борадилар ёки спорт билан шуғулланадилар.

Швейцария қамоқхоналари ва колониялари базасида турли йўналишли кўплаб устахоналар ташкил этилган. Бундай устахоналарда маҳкумлар ўзини қизиқтирган шу билан бирга меҳнат бозори талаб этаётган мутахассислик йўналиши бўйича касб-хунар танлаш имкониятига эга.

Европада Буюк Британия биринчи бўлиб озодликдан маҳрум этиш жойларида таълим тизимини тўлиқ ижтимоий мослаштиришга қаратилган ишларни ташкил этган давлатлардан биридир. Хусусан, ҳар бир маҳкум таълим олиш ҳуқуқига эга бўлиб, барча қамоқхоналарнинг кечки синфларида маҳкумлар таълим олиши учун ўқув дастурлари ишлаб чиқилган ҳамда касб-хунар таълими олишлари учун шарт-шароит яратилган.

Буюк Британия давлатида ижтимоий дастурларни амалга оширишда қамоқхона ходимлари қуйидаги қоидаларга амал қиладилар:

⁶ Сухова А. Н. Социальная работа в пенитенциарных учреждениях: учеб. пособие //Под редакцией АН Сухова–М.: Московский психолого-социальный институт,-2007.-300 с. – 2007.

⁷ Серебrenникова А. В. Уголовный кодекс Швейцарии. – 2000.

1. Ҳар бир муассасада маҳкумларнинг қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайдиган ижтимоий-маърифий дастурлар ишлаб чиқиши керак. Дастурнинг мақсади: маҳкумларнинг келажагини яхшилашга, қайта ижтимоийлаштиришга, ўзини ва бошқа шахсларни ҳурмат қилишга, ахлоқий тарбияни ривожлантиришга қаратилган.

2. Таълим маҳкумларнинг бўш вақтини қамраб олиш шакли сифатида кўриб чиқиши, меҳнат билан бир хил мақомга эга бўлиши ва ахлоқ тузатиш дастурларининг ажралмас қисми бўлиши керак.

3. Маҳкумлар қамоқхонадан ташқарида ўқиш ҳуқуқига эга.

Буюк Британия давлатининг жазони ижро этиш тизими ишсизликни бартараф этиш бўйича (профилактика мақсадида) умуммиллий ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилган. Уларга мувофиқ ишсизларга тизимли равишда касбий кўникмаларни эгаллаш имконияти яратилган. Ёшлар, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ва бошқа тоифадаги фуқаролар учун алоҳида дастурлар ва курслар мавжуд, яъни улар билан ишлаш индивидуал дастурларга мувофиқ амалга оширилади.

Жазони ижро этиш муассасаси ходимлари “маҳкумларнинг озодлигини режалаштириш” дастури доирасида маҳкумларга ўқитиш, ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича тўлиқ маълумот бериб борилади⁸.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг жиноят-ижроия тизимини ислоҳ қилиш, маҳкумларни ижтимоий мослаштириш масалаларини кўриб чиқишда хорижий давлатларнинг ижобий иш усуллари ва шакллари ҳисобга олиш лозим. Юқоридаги хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, жазони ижро этиш муассасаларида ижтимоий мослаштиришни такомиллаштириш юзасидан қуйидагилар:

Ижтимоий мослаштириш мақомини оширишда шу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ягона қонун остида бирлаштириш;

Меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган, даромадли касб-хунарга ўқитишни йўлга қўйиш, маҳкумларни ижтимоий мослаштириш дастурига асосан озодликка чиққанидан сўнг унга бериладиган кўмакларни олдиндан режалаштириш ва маҳкумга маълум қилиш;

Озодликдан маҳкум этилган талабанинг ўқишдан четлатилиши тўғрисидаги қонундан бекор қилиб, унга жазони ижро этиш муассасасида масофавий таълим олишини давом эттириш имкониятини бериш таклиф этилади..

Фойданилган адабиётлар:

1. Халилов Д., Омирбаев Е. Пробация хизматининг назоратидаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик фаолияти //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 36-40.

2. Халилов Д., Иброхимов А. Озодликдан маҳкум этилган шахсларнинг умумий таълим ва касб-хунарга ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари //Наука и технология в современном мире. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 389-396.

⁸ Сухова А. Н. Социальная работа в пенитенциарных учреждениях: учеб. пособие //Под редакцией АН Сухова– М.: Московский психолого-социальный институт,-2007.-300 с. – 2007.

3. Халилов Д. А. Озодликдан махрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашуви //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 9. – С. 12-15.
4. Халилов Д. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институтининг ривожланиш тарихий босқичлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 5. – С. 226-232.
5. Халилов Д. Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш фаолиятида очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 72-74.
6. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Умиджон Жамолиддин Ўғли Обиджонов. "профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2024): 33-39.
7. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov. "muhim hodisa bo'lgan holda kasallikning muhimligini tekshirishni profilaktikasi". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.
8. Мустофақулов Б. А. Ў., Ибрагимов А. Ш. Ў. профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилишни такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 22-26.
9. Мустофақулов Б. А. Ў., Алламуратов А. С. У. профилактика инспекторларининг аҳоли олдида ҳисобот беришда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 67-72.
10. Мустофақулов Б. А. Ў., Сирожиддинов И. Р. Ў. профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 52-56.
11. Мустофақулов Б. А. Ў., Мамарахимов А. М. Ў. одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4-2. – С. 217-221.
12. Мустофақулов Б. А. Ў., Фозилов Х. Х. Ў. профилактика инспекторининг маъмурий ҳудуддаги ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 5. – С. 32-36.
13. Мустофақулов, Б. А. Ў., & Жумаев, С. Ж. Ў. (2025). профилактика инспекторининг сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш бўйича профилактикасини такомиллаштириш. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4), 140-146.